



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz


2007 йил 27 сентябрь, № 192 (4345)

Пайшанба

«МЕҲНАТДАН ЭЪЗОЗ ТОПДИМ»

Замонамиз қаҳрамонлари

Ўша оқшом у тунги сменада ишлаётганди. Одатдагидек, руда қазииш билан шугулланаётганди. Бир маҳал кон дарвозаси ҳисобламиш доvon бошида илонизи ўнқир-чўнқир тош йўлдан пастга энаётган машина чироғи кўринди.



Е. БОТИРОВ олган суратлар.

Сайдали уни бир қарашдаёқ таниди: карьер бошлиғи Турғун Бўрибоевнинг "Тойота" русумли "вездеходи". Бу енгил автомобилни қонда ҳамма билди. У 80-130 тонна юк кўтарадиган пахлавон "БелАЗ"лар, бир қатновда 1200 тоннагача хом ашё ташийдиган огиркарвон поездлар орасида жимитдайлиги ва дуч келган жойдан юра олиши билан ажралиб туради.

хайрон бўлиб, ёрдамчиси Бахтиёр Отақулловга саволмуз бокди. Унинг ажабиниёқ елка қисганини илгагач, хавотири баттар ошди. "Ўзинг ишлаб тур, мен нима гапчилиги билмай-чи", дея ўрнидан турди. Ердан беш-олти қулоч балинд кабинадан бамайлихотир чиқиб, махсус темир зинага эҳтиёткорона оёқ қўйди.

Бошлиқ гапни ортиқча чўзиб ўтирмади. "Табриклиман, дўстим!" деганча кучоғини кенг очиб, Сайдалини бағрига босди. Бу билан ҳам қаноатланмади, шекилли, унинг белидан маҳкам қучиб, даст кўтарди-да, икки-уч бор чир айлантириб, охира ерга қўйди.

Сайдали ўзининг номзоди уч ойча бурун Давлат мукофотига тавсия қилинганидан огоҳ топганди. Бироқ энг Олий нишонга муносиби қўрилиши хаёлига ҳам келтирмаганди. Шунданми, хушхабардан гангиб қолди. Бири қўйиб, бири қучоқлаётган ҳамкасблари қуршовида каловла-ниб турарди.

(Давоми 2-бетда).

"Тойота" Сайдалининг беш қаватли иморат-дек баҳайбат экскаватори пойга келиб тўхтар-тўхтамас, тўртала эшиги ҳам шитоб-ла бара-варига очилди-ю, шағал тўкилган йўлакда беш киши пайдо бўлди. Улар қўлларини басма-басига юқорига силкиб, "Мухим гап бор, тезроқ ту-шин!" ишорасини қила бошлашди.

Уни экскаватор билан вагонлар оралиғида — машина чироғи ёритаётган "дахлиз" да биринчи бўлиб Турғун Бўрибоев шодон кайфиятда қаршилади.

Олий Мажлис Сенатида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифа" мавзусида семинар ўтказилди, унда ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг мавжуд ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш масалалари атрофида муҳокама этилди.

ҚОНУНЧИЛИК ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб аҳолининг даромадлари даражаси ва фаровонлигини изчиллик ҳамда собиққадимлик билан оширишга, унинг эҳтиёжманд қатламлари, хусусан, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат ўқазиб келинмоқда. Семинар иштирокчилари иқтисодийни ислоҳ этишнинг ҳар бир босқичида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлат томонидан устувор йўналиш сифатида белгила-наётганига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб ҳар бир йил муайян ижтимоий масалани ҳал этиш мақса-дида маълум йўналишга ба-ғишланмоқда. Ижтимоий ҳимоянинг қонунчилик база-си ва механизмлари мунта-зам равишда такомиллашти-рилмоқда. Аҳолининг ижтимо-ий ҳимоясига йўлланаётган давлат бюджетни харажатлари ва механизмлари мунтазам равишда такомиллашти-рилмоқда. Аҳолининг ижтимо-ий ҳимоясига йўлланаётган давлат бюджетни харажатлари ва механизмлари мунтазам равишда такомиллашти-рилмоқда. Аҳолининг ижтимо-ий ҳимоясига йўлланаётган давлат бюджетни харажатлари ва механизмлари мунтазам равишда такомиллашти-рилмоқда.

(Давоми 2-бетда).


ФАЙЗЛИ ДАСТУРХОНИМИЗ БАРАКАСИ

Халқимиз энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини зўр тантана ва шодиданалар билан нишонлади. Бу мўътабар айёмни, одатимизга кўра, ҳар бир соҳа ва тармоқ вакиллари муносиб меҳнат совгалари билан қутиб олди-лар. Айниқса, азамат галлакорларимиз эришган мисли кўрилма-ган ютуқ, яъни жорий йилда улар 6 миллион 250 минг тонна бошоқли дон етиштирганлари барчанинг қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳка-маси ва Президент Девонининг давлати-миз мустақиллигининг 16 йиллигига ба-ғишланган қўлма мажлисидаги маъруза-сини ўқиган ҳар бир киши ана шу улкан сара дон хирмони — ўзбегим галласи, ос-мондан ёйилган чалпақдек, ўз-ўзидан уюл-маганига тўла иқрор бўлади.

Давлатимиз раҳбари собиқ совет ҳуду-дида юзага келган жуда кескин ва таҳли-кали вазиятни холисона тарзда чуқур тах-лил қиларкан, "Табиики, бундай ҳол, ав-вало, бутун совет тизимига хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлашдек иллатларнинг таъсири эди", деб алоҳида таъкидлади.

Жумладан, Фидокор-лар миллий демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ахборот-лаштириш ва маълумот-лар узатиш соҳасида қонунга хилоф харакат-лар содир этганлик учун жавобгарлик қўчайти-рилгани муносабати билан Ўзбекистон Ре-спубликасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимча-лар киритиш тўғриси-да"ги, "Ўзбекистон Ре-спубликасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзе-бекистон Республикаси-нинг Мамурий жавоб-



Ислом Каримов

лар, устига устак, унинг ҳосилдорлиги ҳам-иққадар эди. 1988 йилда гектар ҳисобига атиги 13,5 центнердан галла тайёрлангани бунинг далилидир.

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

Чиндан ҳам, бутун совет тизимига хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлашдек иллатларнинг таъсири нечоғли хунук оқибатларга олиб келганини мана бу статистик маълумот-лар ҳам тасдиқлаб турибди. Утган асрнинг 80-йиллари охирида аҳоли жон бошига АҚШда 1250-1300 килограмм, Францияда 1030-1050, Венгрияда 1200-1220 килограмм галла ва ун маҳсулотлари тўғри келган бўлса, ушбу кўрсаткич собиқ Иттифоқда 700-750 килограмми ташкил этарди. Ўзе-бекистон нуфусининг эҳтиёжини қондириш учун эса ана шу маҳсулотнинг ҳам 80 фо-издан ортгаи четдан олиб келинарди. Нера деганда, республикамиз СССРнинг мус-тамлакаси бўлиб, бу ерда, асосан, пахта хом ашёси етиштирилди, бошоқли дон экинлари учун кам миқдорда ер ажрати-

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 412-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 118-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) 5-модданинг: номидаги «ва предметлари» деган сўзлар ташлан-син;
биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Энергия, энергия ҳосил қиладиган ва уни сарфлайдиган ёки энергияни бир турдан бошқа турга айлантириб берадиган асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар, транспорт воситалари, қурилиш, йўлсозлик ва қишлоқ хўжалик машиналари, ёритиш техникаси қурилмалари, иситиш, ҳарорат ва намликини бир хилда сақлаб туриш ҳамда хавони алмаштириш тизимлари, халқ истеъмоли моллари, иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ва қурилиш кон-струкциялари, технология жараёнлари, шунингдек энергия ҳосил қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун энергия сарфи кўрсат-кичларининг мажмуи ҳамда қиймати энергиядан оқилона фойда-ланиш соҳасидаги стандартлаш объектларидир»;
иккинчи қисми чиқариб ташлансин;
2) 7-модданинг биринчи қисмидаги «5-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «5-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
3) 8-модданинг: биринчи қисми биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Қуйидагилар норматив ҳужжатларда кўрсатилган энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлик бўйича маж-бурий сертификатлаштирилади»;
учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналарни, шу жумладан рўзгорда фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-анжомларни энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига доир қисмида тамга-лашни норматив ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширади»;
4) 9-модданинг биринчи қисмидаги «шунингдек энер-гияни сертификатлаш пайтида» деган сўзлар чиқариб ташлан-син.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 26 сентябрь № ҲРК — 116

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиоком-панияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва сайловни ўтказиш жараёнини холисона ёритишга оид битим имзоланди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Очик ва эркин сайловлар-нинг демократик принциплар-га мос ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари-нинг ўрни ва аҳамияти на-вҳоя катта. «Ўзбекистон Ре-спубликаси Президенти сайло-ви тўғрисида»ги Қонун талаб-ларига асосан, оммавий ах-борот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов жараёнини кенг ёри-тиб боради. Бунда, айниқса, телевидение ва радио алоҳи-да ўрин тутади. Бугунги кунда Ўзбекистон теле ва радиока-наллари кўрсатув ва эшитти-ришларини нафақат мамлака-тимизда, балки, сунъий йўл-дош ва Интернет орқали дунёнинг исталган нуқтасидан қўриш ва тинглаш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фидокорлар миллий демократик ҳамда «Адолат» социал-демократик партияларининг қуйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси олдидан йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республи-касининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилиб, тегиш-ли мулоҳазалар бил-дирилди.

«Адолат» социал-де-мократик партияси фракцияси йиғилиши-да давлат тасарруфи-дан чиқариш ва хусу-сийлаштириш жараён-ларини янада чуқур-лаштиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг ай-рим қонун ҳужжатлари-га қўшимчалар кирити-ш тўғрисида»ги, транспорт воситала-ридаги давлат рақами белгиларини ноқону-ний усулда ишлатиш ва ушбу ҳолатдаги

Қ. ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Янги ишланмалар — амалиётга

Тошкент ахборот технологиялари университетида «ICI — 2007» — Интернет, мобил, симсиз ва оптик талаби алоқа соҳасидаги янги авлод технологиялари, электрон тижорат учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича учинчи халқаро Марказий Осиё конференцияси бошланди.

Университет ректори Содикжон Қосимовнинг сўзларига кўра ушбу анжуман қатор халқаро ташкилотлар шафелигида, ахборот технологиялари тобора кенгайиб бораётган соҳаларида ижодий алмашувни рағбатлантириш учун ташкил этилмоқда. Форумда симсиз ва оптик соҳада инновация ҳамда илғор тадқиқотлар, ишланмалар, аҳолининг Интернет тармоғидан симсиз фойдаланишга қизиқиши ортиб бориши билан боғлиқ техник масалалар, шунинг-

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

компанияси сайлов кампаниясининг бориши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга бағишланган тадбирларнинг мuddати, тартиби ва мазмуни тўғрисида Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган теле ва радио дастурларини ёритишда техник жиҳатдан ёрдам кўрсатади. Асосий мақсад — сайловчиларимизга сайловда эркин ишлов кўриш, сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловдаги дастурлари билан ҳар томонлама танишиш ва сайлов кунини ўзлари муносиб деб топган номзодлар учун оғли равишда овоз беришлари учун барча шарт-шароитни яратишдан иборатдир. Ушбу имзоланган ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ тадбирларни телевидение ва радио орқали ёритишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Битимни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси раиси А. Хўжаев имзолади.

(ЎЗА).

Самарали ҳамкорлик

Урганч шаҳрида «Оммавий ахборот воситалари ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик: муаммолар ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Хоразм вилояти филиали томонидан ташкил этилган тадбирда сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Бугунги кунда сиёсий партияларнинг фаоллиги сезиларли даражада ошди. Айниқса, депутатлар сайловчилар олдидagi масъулиятни чуқур ҳис этиб, ўз мажбуриятларини сийқилдирган адо этмоқдалар. Лекин оммавий ахборот воситалари орқали сиёсий партиялар, депутатлар фаолияти етарли даражада ёритилаётми, деб бўлмайди. Аҳолининг кенг қатлами улар амалга ошираётган ишлар билан қониқарли даражада таништириб борилиши лозим. Тадбирда ана шу каби масала ва муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди, таклифлар билдирилди.

Илгир катнашчилари сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш лозимлигини таъкидладилар.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Олтингургуртга — сифат сертификати

Муборак газни қайта ишлаш заводининг яна бир маҳсулотига халқаро сертификат берилди.

Германиядаги «DQS» сертификотлаш ташкилоти мутахассислари бу корхонада ишлаб чиқарилаётган олтингургуртнинг «ISO 9001:2000» стандарти талабларига тўлиқ мос эканлигини таъкидлашди.

Корхонанинг асосий маҳсулоти — табиий газ ва газ конденсати ишлаб чиқариш жабҳасида жорий этилган сифат менежменти тизими утган

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ижтимоий ташаббуслар қўллаб-қувватланади

Шу кунларда юртимизнинг бир қанча ҳудудларида «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди» нодавлат нотижорат ташкилотининг тақдимот маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Бундай тадбирлар шу кунгача Бухоро, Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Қарши шаҳрида ўтказилди. Аҳоли билан учрашувларда ташкилотчилар фонднинг мақсади, вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳақида гапирдилар. Жойларда фонднинг бешта бош йўналиши — соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий қўмақ, ижтимоий инфратузилма ва экология бўйича амалга оширадиган лойиҳалари йилнинг катнашчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотаяпти.

Жорий йилда «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди» Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури доирасида бир қанча йирик лойиҳаларни амалга оширди. Фарғона водийсида ўтказилган камқонлик ва бўжқ касаллигини бар-тароф этиш юзасидан илмий-амалий семинар, фермер аёлларга дастур бўйича кредитлар ажратилиши шулар жумласидандир.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Яхшиямки, унинг жонига Тур-гун Бўрибоев аро кирди.

— Энди бўлди, биродарлар! — деди у раҳбарларга хос босиқ ва ўктам овозда норасмий табрик маросимига яқун ясаб. — Тантананинг каттасини, худо хоҳласа, эртага қомбинатда, кейин Сайдалининг уйда қиламиз. Ҳозир эса уни холи қолдирайлик, ишини давом эттирсин...

Қадрдонлари ортага қайтишгач, бўш майдонда Сайдалининг танҳо ўзи қолди. Аммо ҳаяжони ҳамон босилмаганди. Дарвоқе, Сайдали оддийгина оилда туғилиб ўсди. Отаси — Фармон бобо умрининг охиригача шифохонада борбон бўлиб ишлади. Анаси — Рокья момо шаҳар коммунал хўжалик бўлимида фаршохлик қилди. Бундан қатъи назар, икковлон уч ўғлига ҳалол лўма едириб, бинойидек меҳнатсевар қилиб тарбиялади. Инчунин, вояга етгач, Турдали ҳайдовчиликни ихтиёр этди, Сафарали йўлсозликни танлади. Сайдали эса, 8-синфини битириб, собиқ 126-хунар-техника билим юртига ҳужжат топширди. Шу даргоҳда ўқиб, тоғ-кон санвати экскаватори машинистни ихтисослигини эгаллагач, йўллана бўйича Қалмоққир қонига ишга келди. Намунали меҳнати учун 2001 йили «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

2002 йил ёзида қонга вази 700



Гулжамол — танлов ғолиби

Мамлакатимизда хотин-қизлар мавқеини ошириш, ишбилармон, тадбиркор, қўли гул аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда жойларда уларнинг иқтидорини намойиш этиш учун турли кўрик-танлов ва тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, яқинда ана шундай тадбир, яъни, «Йил аёли» республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқини бўлиб ўтди. Унда рўзгор юритиш, фарзанд тарбиялаш, оила бюджетини қўлайтириш бўйича шахар ва туманларда энг яхши деб топилган ўн туртта ўй бекаси иштирок этди. Катнашчилар уйда ўз кўллари билан тайёрлаган хунарманчилик буюмлари, пазандалик маҳсулотларини намойиш этишди, оилавий

тадбиркорлик соҳасида амалга ошираётган ишларини таърифлаб беришди.

Қарши туманидаги Гўбдин қишлоғида истиқомат қилувчи Гулжамол Пирова кўрик-танлов ғолиби бўлди. Нуфузли ҳайъат аъзолари ёш ўй бекасининг кўриққа тақдим этган пишириқлари, хунарманчилик буюмларига юқори баҳо беришди. Гулжамол уйда мусиқа тўғрисида, маҳалла болаларига санъат силарини ҳам ўргатмоқда. У энди кўрик-танловнинг республика босқинида вилоят шарофтини ҳимоя қилди.

СУРАТДА: Гулжамол Пирова фарзандлари билан. Ж. НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

ҚОНУНЧИЛИК ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

натижасида эҳтиёжманд оилалар ва одамларга ёрдам кўрсатишга табаклаштирилган тарзда ёндашув кучаймоқда, аҳолининг ижтимоий мухтоб қатламлари ҳар бир тоифасидаги мавжуд қийинчилик ва муаммолар ўрганиб боришмоқда ҳамда уларнинг талаб-эҳтиёжлари имкон қадар қаноатлантиришмоқда.

Семинарда аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий адолат-

ни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, айниқса, маҳаллалар катта иш бўлиб бораётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Масалани муҳокама этиш асносида семинар иштирокчилари аҳолининг ижтимоий ҳимояга биринчи галда мухтоб тоифаларини — кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ноғиронларни, талабалар ва пенсионерларни қўллаб-қувватлаш муҳим

аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолаётганлигини кайд этдилар. Жамиятда эзгулик, меҳр-муруват ва ўзаро хайрихоҳликни, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш шунга боғлиқдир. Тадбир иштирокчилари ўзаро фикр алмашидилар, ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини янада оширишга, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давр талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштиришга қаратилган бир

(ЎЗА).

«МЕҲНАТДАН ЭЪЗОЗ ТОПДИМ»

тонналик янги русумдаги «ЭК-15» экскаватори келтирилди. У тоғ ишчиларини очиқ усулда қазиб карьеридан азалдан мавжуд бешта турдошига нисбатан анча йирик ва мукамал бўлиб, баландлиги 22, эми ва узунлиги 11-15 метрча келарди. Чўмичи бағоят катталигидан миллион-миллион асрилик заранг тошларга ҳар тил ботириганда, 30-33 тонна микдоридига рудани, гўё ҳамирдан зу-вала узгандек, осонгина қўпориб олиш, эллик қадамча наридаги вагонга бемалол ортиш имконини берарди. Шунга яраша, уни йилнинг кирк кунча вақт талаб қиларди. Бу юмушга 65 нафар ма-лакали муҳандис-мутахассис жалб этилди. Уларнинг сафида Сайдали Раҳмонов ҳам бор эди. Зеро, унинг кўп йиллик бой тажрибаси янги машинани ишга шайлашда жуда асқотиши тайин эди.

ҳаётга қадам қўйиш арафасида. Шубҳасиз, шу тариха оиласидан кўнгли тўқ, ишонасида об-рўси банд бўлиш, эл меҳрини қозониш 46 ёшни қоралаган, ба-ийни кунча бахариб қўлган йилит учун чўнг бахт ҳисобланади. Уни мудом эзгуликка ундайди. Мана, Сайдалидан қиёс: у ишдан бўш вақтларида ўзи яшайдиган Сўфи Оллоёр маҳалласидаги тадбирларда фаол қатнашмоқда. Тўй-марракаларни тартибли ўтказишда, гузарларни ободонлаштиришда, кўмакка муҳтобларни қўллаб-қувватлашда ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Тунов кунини қонда бўлиб, Сайдали билан бафуржа гурунлашганимизда, қисқа фурсат унга «шо-гирд» тушиб, қудратли экскаваторни бошқарганимизда, бунга биз ҳам гувоҳ бўлдик. Бир умр темир билан ишлаган, нуқул тоғ-тошлар ила тиллашган бўлишига қарамай, суҳбатдошимиз ниҳоят содда-бегубор, ўта самимий, қувноқ ва ҳазилқаш инсон эканлигини қалбни эш этдик.

— Мен, — дейди у узунлиги

тўрт, эни икки чақиримлик, чуқурлиги 240 метрлик улкан қосани эслатувчи қонга ўйчан боқиб, — бу ерларга илк бор қадам босганимизда бўш-баёвғина ўсимир эдим. Шу сабаб, бағрида не-не сир-синоатлар, қанчадан-қанча бойликлар мужас-сам тоғларни, пуриқор чўқиларини кўриб ҳайратга тушган-дим. Энди-чи?.. Одамзод қаерда яшашни ва қай соҳа эгаси бўлишидан қатъи назар, ўз кас-бига астойил ихлол қўйиб, вийжодан ишласа, ҳаёт қийинчиликларидан, турмуш ташвишларидан нолимай, мудом олға интилса, асло кам бўлмаслигини англаб етдим. Ҳимом ҳам шу ақида асосида яшаб, захматларим эвазига қадр кўрдим, кас-бим орқали бахтинми топдим. Бунинг учун мени тўғри йўлга бошлаган устозларимга, экскаваторда бирга ишлаётган дўстларим Менглибой Анорбоев, Абдумутал Имонов, Радик Шайхудиновга, бизнинг ўрни-мизни босишга тайёр Бахтиёр Отақулов, Алишер Эшбоев, Анвар Аҳмадиев, Абдусалом Муродов сингари ёшларга раҳмат айтман. Айниқса, камта-рона меҳнатларини юксак даражада улуғлаган Юртбошимизга чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

(ЎЗА).

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2002 йил ёзида қонга вази 700

ФАЙЗЛИ ДАСТУРХОНИМИЗ БАРАКАСИ

кўзда тутилганидек, иқтисодиёт сибсатдан устун туриши керак».

Янгича ишлаш, халқни ўйлаб яшаш сибсати, «Иқтисодиёт сибсатдан устун туриши керак» деган биринчи — асосий тамойилнинг самараси шу бўлдики, ҳукумат қаро-рига мувофиқ, аҳолига томорқа участкаси учун ер берилди, пахта яққаоқимлигига чек қўйилиб, бо-шоқли дон экинлари экиладиган майдонлар кенгайтирилди. Шу билан бирга, етиштирилаётган га-ланинг миқдори ва ҳосилдорлигини ошириш, унинг сифатини яхши-лашга эришиш мақсадида селек-ция ишлари жонлантилди. Яъни,

лаш агротехникасининг мажмуи ишлаб чиқилиб, дон уручилиги йўлга қўйилди.

Қолаверса, ўтган давр мобайни-да деҳон хўжалиқлари негизида фер-мер хўжалиқлари тўлиқ шакллани-ган тағалган йўлимиз нақадар тўри-лигини яна бир қарра исботлади. Қиёс: 1992 йилда мамлакатимизда 10 минг-тадан кўпроқ фермер хўжалиги та-шқил этилган бўлса, бугунги кунда 212 минг нафар қишлоқ мулкдори фао-лият юритмоқда. Улар тимсолида эса замин ўзининг ҳақиқий эгасини топ-ди, одамлар тафаккурда мулкка, ерга эгалик туйғуси ўзгарди. Жорий йил-да Ватанимиз ва халқимиз хирмо-нига уюлган 6 миллион 250 минг

Бундай улкан ютуқлар замирида, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ана шу мураккаб вазифалар ечимини ўз зиммасига қишлоқ хўжалигида, иқти-содиётнинг бошқа тармоқларида фаолият кўрсатаётган миллионлаб меҳнатшар инсонларнинг фидокоро-на меҳнати муҳассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз номинимиз ҳақидаги бор ҳақиқат — галлачиликдаги муста-қил тараққиётимиз йўли, бу бора-да, том маънода, мустақилликка эришганимизнинг муҳтасар маз-мун-моҳияти ҳам шу.

Иқром ҲАБИБОВ.

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказида «Мамлакат босма ОАВ фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти ва интернет ресурсларини ривожлантириш омиллари» мавзусида медиа-форум бўлиб ўтди. Ушбу тадбир пойтахтимизда ўтказилаётган Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги доирасида ташкил этилди.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

Мазкур анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокорпорация, Фуқаролик жамиятини ўрга-ниш институти билан ҳамкорликда уюштирилди.

Медиа-форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар вакиллари, мар-казий ва ҳудудий ОАВ бош муҳаррирлари, мамлакатимиз ва чет эл журналистлари, жур-налистика факультети ўқитув-чи ва талабалари катнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот-коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси-нинг ўринбосари И. Саифна-заров, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентли-клари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўз фаолияти доирасида анва-ларнинг ривожига грант танлов-ларини ўтказиб келади. Жорий йилда эълон қилинган навбат-даги грант танловларида, асо-сан, инновацион лойиҳаларга эътибор қаратилди. Медиа-фо-рум доирасида танлов ғолиб-ларига сертификатлари топши-риш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Ўқитувчи ва мураббийлар байрами графисида Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган матбуот анжуманида соҳада амалга оширилган ишлар, халқ таълими тизимида татиқ этилиш кўзда тутилган режалар хусусида атроф-лича фикрлашилди.

Эътибор ва ғамхўрлик

Анжуманда таъкидландики, бугун босма соҳаларда амалга оширилган ислохотлар қатори, таълим соҳасига ҳам чуқур эъти-бор қаратишмоқда. Тизимда нафрат шаклан, балки назмуан фахрланса арзиғулик ишларини амалга оширилишига эри-шилди. Жумладан, 2004 йилдан то ҳозирги кунгача 1598 та ўқув муассасасининг тўлиқ қайта таъмирланиши ва замонавий қўришида қириб битказилиши бунинг яққол исботидир. Ети-тигда чоп этилаётган мукамал дарслиқлар таълим мазмуни яхшиланишига ёрдам бермоқда.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари яқинлашиб келаётган сана муносабати билан бир неча ўқув муассасаларида бўлиб ўтаётган байрам тадбирларида катнашдилар. Хусусан, байрам арафасида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Республи-ка болалар бадий ижодий маркази янги биноси фойдала-нишга топширилди.

Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган шундай тантаналар пойтахтимиздаги 144-ва 28-умумтаълим мактаб-ларида ҳам бўлиб ўтди.

М. АНАРОВА.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Фоишларни қисқартирмоқчи



Жаҳон банки ривожланаётган мамлакатларга берилаётган кредит фоиш ставкаларини охириги ўн йилда биринчи мартаба сезиларли даражада қисқартиргани режалаштирилмоқда.

Бу ҳақда «The Wall Street Journal» наشري банк расмийлари берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Лекин бу сўнгги қарор эмас. Ушбу таклиф ҳали бир неча ой давомида муҳокама қилинади. Мазкур

халқаро молия муассасасининг янги раҳбари Роберт Целлик ҳам ушбу ташаббусни қўллаб-қувватламоқда. Унинг фикрича, ривожланаётган мамлакатлар кўпроқ ҳимоя қилиниши лозим.

Муросага келишолмади

Американинг «General Motors Corp.» автомобил компанияси ҳодимлари сўнгги 36 йил давомида биринчи мартаба иш ташлаш эълон қилишди.



«Bloomberg»нинг хабар беришича, компания раҳбарияти янги меҳнат шартномаси юзасидан касаба уюшмаси билан келишувга эриша олмаган. Корхонада ишчи кучига ва ҳодимлар иқтимоий ҳимоясига сарфланаётган маблағни қисқартирish режаси катта норозиликларга сабаб бўлди.


Айни пайтда компаниянинг 80 та заводиди иш тўхтаган.

Янги манбалар топиш илинжида

Яман ҳукумати «Powered Corporation» компанияси билан мамлакатда бешта ядро реактори қуриш юзасидан шартнома имзолади. Ҳукумат вакилининг билдиришича, шартнома баҳоси 15 миллиард долларни ташкил этиб, у

2017 йилгача амал қилади. Яманда аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши туфайли электр энергияси тақчиллиги йилдан-йилга сезилиб бормоқда. Ҳукумат атом реакторларини қуриш орқали мазкур муаммони бар-тароф этмоқчи.


Ўғирликка ўлим жазоси



Хитой Олий суди электр узатиш тармоқларидаги мис симларни ўғирлаган кишиларга нисбатан ўлим жазосини қўллашга руҳсат берувчи қарор қабул қилди. Унда айтилишича, мис симлари ўғирлашни оқибатида камиди 10 минг аҳоли олти соат давомида электр таъминотидан узилиб қолса, айбдор шахслар энг олий жазога маҳкум этилади. Бундан ташқари, 130 минг долларлик бундай маҳсулотни ноқонуний ўзлаштирган шахс ҳам ўз ҳаёти билан хайрлашишига тўғри келади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўлкамизда куз. Ҳадемай, қиш фасли ҳам ўз ҳукмини ўтказишга киришади. Ушанда кўчаларга нигоҳ ташласангиз, совуқдан одамлар пальталарга ўралиб юришганини кўрасиз. Хонадоннингиз эса бамисоли ҳаммом. Печкангиз, иситиш батареялари ишлаб турибди. Аксига олиб, уйингизда ана шундай қулай шароит яратилмаган, яъни газ узилган, иситиш тармоқлари ишламаётган бўлса-чи? Унда нима қиласиз?



ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ ЯХШИ, АММО...

казилди. Газ таъминоти бир меъёрда бўлмаган аҳолига эса баллонларда суоқ газ етказиб бериш йўлига қўйилди.

Айни чоғда қиш-қировли кунларга пухта тайёргарлик кўриляпти. Газ таъминотининг бир меъёрда бўлиши ва ёни-ли исрофгарчилигининг олдини олиш мақсадида газ босимини созловчи 309 та қурилма жорий таъмирдан чиқарилди. Наманган шаҳрининг «Шербулок» маҳалласида 1,5 километр узунликдаги газ қувурлари алмаштирилди. Поп туманидаги Чингоқ қишлоғида ер ости газ тармоғининг 300 метри «Тумангаз»нинг хўжалик ҳисобидидаги бригадаси томонидан таъмирланди. Чуст туманидаги Чустнон қишлоғида эса 2 км. масофага газ тармоғи тортилди. Бундай юмушлар Тўрақўрган, Норин, Мингбулок, Чортоқ туманларида ҳам изчил олиб бориляпти.

Қарор ва ижро

Шунга қарамайдан, ҳозирги кунда ҳам ишлатилган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмай, ҳатто, «зангори олов»дан рўхсатсиз, ноқонуний тарзда фойдаланаётган ташкилот ва хонадонларнинг уч-раётгани ачинарлидир. Текширувлар асосида 708 та қоидабузар истеъмолчига нисбатан тегишли чоралар қўйилиб, улардан етказилган моддий зарар ҳисобига 32,0 млн. сўм ундирилгани шундан далолат беради.

Маълумотларга қараганда, агар вилоят бўйича газлаштирилган 305 минг хонадоннинг 30 фоизиди газ плитасининг биттадан кўзи атиги бир соат давомида ёниқ қолдирилса, 26 минг кубометр газ беҳуда сарфланаркан. Мабодо бу ҳолат 8 соат давом этса, у ҳолда, 214 минг кубометр газ исроф бўларкан. Бу — 3,6 млн. сўм маблағ кўкка соғурилди, деганидир. Шу боис, бошқарма ҳодимлари бундай ҳужасизликка йўл қўймастик учун газ анжомларини доимо назорат қилиб бормоқдалар.

Аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда электр энергияси ва сув каби табиий газнинг ҳам аҳамияти беқийс. Жамоамиз аҳли аҳолининг унга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида бундан бун ҳам астойдил иш олиб бораверади. Фўқаролар ўртасида энг арзон ёниқнинг қадрига етиш ва ундан тежаб-теғаб фойдаланиш юзасидан кенг қамровли тушунтириш ишларини кучайтириб, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга эришади.

Афсуски, табиий газ учун тўловларни турли баҳоналар билан амалга оширмай келаётган корхона, ташкилот ва аҳоли хонадонлари ҳам йўқ эмас. Ўтган йили 34 та корхона газдан бўлган қарзи учун вилоят хўжалик судига берилган эди. Уларнинг 6 тасидан, суд қарорига мувофиқ, 800

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан, мамлакатимиз аҳолиси учун 1 кубометр газ ҳақи атиги 20 сўм 54 тиيين этиб белгиланган. Бу Хамдўстлик давлатларидагига қараганда жуда паст кўрсаткичдир. Шунинг учун табиий ёниқнинг ис-

роф қилмаслик, аксинча, унинг қадрига етмоқ даркор.

Иқтимоий ҳимоя йилида бошқармаимиз томонидан иқтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса, табиий газ билан таъминланмаган хонадонлар соҳибларининг талабларини ўрганиш ва уларни иқмоният даражасида қондиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар ва туман марказларини, олис қишлоқларни газлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Бу йил вилоят бўйича 6 минг хонадонга «зангори олов» киритиш, 46,4 километрик газ тармоғини мукамал ва 80 километрик газ қувурларини жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача бу ишлар тўлиқ бақарилди.



МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонкорғичлар, экскаваторлар, ёниқ ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» кўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

пластикдан тайёрланган 1.8 литр ҳажмдаги сув фляжкалари ва йиғиладиган сапёрлар кичик лопаталарини ниқоби билан харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Ҳужжатлар эълон чоп этилгандан бошлаб 20 кун давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 3-уй. Мурожаат учун телефон: 120-76-00. Ички телефон: 26-12.

KOFE ICHASIZMI?

Ko'p vazifali WorkCenter Pro 128 printeri. Barcha ofis ishlarini o'zi bajaradi. Faqat kofeni o'zingiz tayyorlashingiz lozim. Xerox. Zamonaviy yondashuv.

- Maxfiy, sinov uchun chop etish va keyinga qoldirilgan chop etish
- Chop etishlarini hisobga olish, chop etishda maksimal maxfiylik rejimi
- Chop etishning amaldagi maydligi 1200 x 1200 dpi Samarali ishlash uchun 100 dan ortiq konfiguratsiyalar mavjud
- Internet foydalanuvchi interfeysi, tarimoq skanerlashi, e-mail da skanerlash, faks-server ishlashi

www.xerox.ru

Тошкент: "USD Micros" (99871) 281 43 58, 281 43 61; "Sharifa T" (99871) 137 68 03. Mahsulot sertifikatlangan

Сиз ўз сармоянгизни қаерга жойлаштиришни билмаяпсизми? Сиз кафолатли ва барқарор келажакни хоҳлайсизми?

Пахта банк акциялари

Бу Сизнинг кафолатли ва барқарор даромадингиздир!


Вақт билан синалган

Инвестицион нуқтаи назардан моҳияти:

- Юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади.
- Фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва кўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтиради.
- «Пахта банк» ва унинг филиалларида акциядорларга валюта операциялари бўйича кўрсатиладиган хизматлар мобайнида чегирмалар таклиф қилинади.
- «Пахта банк» акциялари «Тошкент» Республика фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингига киритилган бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.
- Юқори сифатли хизмат кўрсатилади.
- «Пахта банк» акциядорларининг ҳисоби «РАХТА-SERVIS» депозитарийси орқали амалга оширилади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Тўлиқроқ маълумот учун тел.: 150-53-66, 173-25-51, 173-36-05.



Бағрикенг халқимиз ҳамиша меҳр ва мурувватга, қалбан саҳийликка интилиб яшайди. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, бизнинг миллий байрамларимиз замирида ҳам одамларнинг бир-бирига бўлган самимий меҳру муруввати, ўзаро ҳурмат-иззати мумассам. Зеро, кўп йиллар давомида ҳаётимиздан бутунлай ўчириб ташлашга уринилган ана шундай бетакрор айёму тантаналаримиз истиқлол туфайли ўзимизга қайтди. Шундай шодийналаримиз қаторида шукроналик байрами — «Меҳржон»нинг ҳам ўзгача гаши бор.

МЕХРЖОН — ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ

шича, Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, «Наврўз» ва «Меҳржон» ҳам замоннинг икки кўзидир.

Ушбу байрам қадимда олтин кузнинг дебочаси — мезон ойда қарши олинган. Биламики, Наврўз байрами азалдан баҳорда, қишдан «илигузилди» бўлиб қилган бир пайтда Яратгандан ризқ-рўз тилаб, Янги куннинг фаровон ҳаёт олиб келишига умид қилинадиган айём. «Меҳржон» эса ана шу олижаноб режаларнинг амалга ошганлигига шукрона келтириш маъносига нисбатланадиган шодийнадир. Аллома Бегматовнинг бу икки мавсум ҳақида ҳикоя қилар экан, баҳор ва кўзда кун билан туннинг икки марта тенг келишини таъкидлайди.

Демак, ҳар йили Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси нишонланса, «Меҳржон» 23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кечаси кириб келади.

Боқий қадрият

Ота-боболаримиз «Меҳржон» кунларида дала ва боғларга, узум ва қовун сайилларига чиққанлар, қавм-қариндошлар бир-бирларини йўқлаганлар. Утган авлод-аждоғлар ёдга олинган. Қариялар ва болаларга совға-салом улашилган. Аразлашганлар ўзаро гина-қудуратга барҳам беришган. Қолаверса, бозорларда, сайилгоҳларда олтин куз неъматлари савдоси ташкил этилган. Полвонлар кураш тушиб, куч сайнашганлар, аския-бозилар қизган. «Меҳржон» шунингдек,

бир қатор мамлакатларда ўзига хос нишонланади. Масалан, Мисрда Ешлар фестивали шу ном билан аталса, Японияда кузги тенгқуллик (23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кечаси) содир бўлганида кунчиқар мамлакат халқи буни миллий байрам сифатида нишонлайди.

Бугунги кунда ҳам бу байрам юртимизда 24 сентябрь санасидан бошлаб бир ой давомида хиёбону истироҳат боғларида сайиллар ўтказилиб, кенг нишонланмоқда. Мазкур халқ сайилларида мева-сабзавотлар, дон маҳсулотлари, олтин куз неъматларининг курғазма-савдоси ташкил этилади. Турли фольклор-этнографик ансамбллар ижросидаги миллий куй-қўшиқлар театрлаштирилган томошалар байрамга янада файзу шукух бағишляяп-

ти. Шунингдек, курғазма-савдоларда хунарманд усталиримиз ясаган буюмлар ҳам намойиш қилинади. Спортчиларнинг чиқишлари, турли қизқарли мусобақалар, халқ ўйинлари сайил иштирокчиларига завқ улашади. «Меҳржон» бебаҳо қадрият ва аъналаримиз каби миллатимиз руҳияти, феъл-атвориға мос байрамдир, — дейди Б. Аминов. — У коинот ва табиатни чуқурроқ аниқлашга ундайди бизни. Она Ватаним ардоқлаш, деҳқон меҳнатини қадрлаш, саховат ва меҳр-мурувватга давват этади. У нафақат биз, балки келажак авлод учун ҳам ана шундай ўлмас мерос сифатида қадри бўлиб қолаверади.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Вазирлик стипендия жорий этди

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кам таъминланган иқтидорли талабалар учун махсус стипендия жорий этди.

Тадбир

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ташкил этилган ушбу ҳоимийлик кам таъминланган иқтидорли талабаларни ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Шу мақсадда «Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» ҳисобидан 23 миллион 100 минг сўм ҳажмида маблағ ажратилиб, унинг маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Шу мақсадда «Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» ҳисобидан 23 миллион 100 минг сўм ҳажмида маблағ ажратилиб, унинг маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Танлов шартлариға кўра, бундай стипендияға номзод талабалар ўзларининг юқори билими, жамоат ишларидаги фаоллиги ҳамда иходий ва илмий интилишлари билан яққол кўзга ташланган турли шартларни қанақадан ҳам яққол қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Танлов шартлариға кўра, бундай стипендияға номзод талабалар ўзларининг юқори билими, жамоат ишларидаги фаоллиги ҳамда иходий ва илмий интилишлари билан яққол кўзга ташланган турли шартларни қанақадан ҳам яққол қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Ананд Пешқадам


Эслашиб ўтамиз, ФИДЕ шафелигида ташкилланган мусобақада рейтинг очколари юқори бўлган савхоз нафар гроссмейстер голиблик учун донна сурмоқда. Мазкур турда Ананднинг таъкибчилари муроса кўчасини танладилар. Жумладан, амалдаги жаҳон чемпиони, россиялик Владимир Крамник ўз хамюрти Александр Гришук билан дона суриб, ўн унчи юришда дуранга рози бўлди. Борис Гельфанд (Исроил) — Пётр Свидлер (Россия), Петер Лекко (Венгрия) — Левон Аронян (Арманистон) ўйинлари ҳам дуранг натижа билан аяқланди.

Ўн биринчи турдан сўнг Ананд 7,5 очко билан пешқадам бўлиб турибди. Гельфанд 6, Крамник, Лекко, Аронян 5,5, Гришук 5, Морозевин ва Свидлер эса 4,5 тадан очко жамғаришган.

Жаҳон рекорди янгиланди

Россиялик Оксана Сливенко (69 кг.) оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида икки курашда 276 килограмм натижаға эришиб, шоҳсупадан жой олди ва жаҳон рекордини янгиллади, деб хабар беради АФР.

У даст кўтаришда 120, силтаб кўтаришда эса 156 килограмм натижани қайд этди. Иккинчи ўрин собиқ жаҳон рекордчиси Лю Чуньхунга насиб этди. Хитойлик спортчи даст кўтаришда 121, силтаб кўтаришда эса 150 килограмм кўрсаткичға эришган.



«ВАҚТИНЧАЛИК ЧЕМПИОН...»

Кеча Бутунжаҳон бокс кенгаши (WBC) нигериялик Сэмюэл Питерини шу йўналишнинг ўта оғир вази тоифасидаги вақтинчалик жаҳон чемпиони, деб эълон қилди.



Хабарингиз бор, 6 октябрь куни Нью-Йоркда WBC йўналиши бўйича амалдаги чемпиони, россиялик Олег Маскаев ва Питер ўртасида жанг ўтказилиши белгиланганди. Аммо, Маскаев сўнги машғулотларда оғир жароҳат олганлиги сабабли жанг қолдирилди. Шифокорларнинг айтишича, боксчи уч-тўрт ой мобайнида рингга қайтолмайди. WBC низомиға кўра, боксчи бир йил давомида мусобақаларда қатнашмас, ундан чемпионлик камари олиб қўйилади. Яна уч ойдан сўнг Маскаевнинг рингга чиқмаганлигиға 14 ойдан ошади.

Хозирда Питер ва унинг жамоаси, қандай қилиб бўлмасин, 6 октябрь куни жанг ўтказиш ҳаракатида юришибди. Оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони Оливер Маккол ва Жон Руиз ушбу жангга даъвогар сифатида ўз номзодларини илгари суришди. Лекин, Питернинг промоутерлари польшалик таниқли боксчи Анжей Голотани муносиб рақиб сифатида баҳолашмоқда.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

ЧИҚИНДИ ЯШИГИДАГИ МИЛЛИОНЛАР

Япониянинг Саитама префектурасига қарашли Ханью шаҳарчаси чиқиндиҳонасини тозалаётган фаррош темир яшиқча топиб олди. Очиб қараган эди, ичидан 11,4 миллион иен (70 минг евро) пул чиқди. «ТBS» телеканали таркатган ахборотда айтилишича, чиқиндиҳона ишчилари тезлик билан топилма ҳақида полицияға хабар беришган. Пул текшириб кўрилганда, унинг ҳақиқий эканлиги, яқинда зарб қилинган маълум бўлди. Топилган пул энди ярим йил давомида полиция маҳкамасида сақланади. Белгиланган муддат мобайнида унинг эгаси топилмаса, Ханью шаҳри мэрияси ихтиёриға ўтказилади.

ЭНГ ДАРОМАДЛИ ФИЛЬМ

Гарри Поттер ҳақидаги фильмлар туркуми энг даромадли киносар сифатида жаҳон кино тарихидан жой олди. «BBC News» хабарига қараганда, Буюк британиялик ёзувчи Жоан Роулинг асарига асосида суратға олинган бешта фильм прокатидан 4,47 миллиард доллар фойда кўрилган. Шу пайтгача энг даромадли фильм деб эътироф этилган Жеймс Бонденинг 22 қисмдан иборат «Олдузлар жанги» асари 4,44 миллиард доллар маблағ йиққанди. 2010 йилға бориб Гарри Поттер ҳақидаги яна иккита фильм прокатға чиқарилади. Шундан сўнг ушбу фильмдан олинган даромад микдори яна ҳам кўпаяди.

Б. УММАТОВ тайёрлади.

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Газсервис» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудида расмий вақили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатиға 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерға ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерға ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерға ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиға эға. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

- Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, сановат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
- Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

2007 йил 30 октябрь куни соат 11:00 да Ўзбекистон Банклари ассоциациясини биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда:

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2003 йил 23 мартдаги 2-125/2003-сонли ижро ҳужжатиға асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Кодиров кўчаси, 20-уй, 19-хонадондаги икки хонали тураржой. Бошлангич баҳоси — 19 520 000 сўм.

Шунингдек, 2007 йил 12, 19 ва 26 октябрь кунлари соат 11:00 да Ўзбекистон Банклари ассоциациясини биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қайтадан қўймоқда:

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 10 октябрдаги 0518/5181-сонли ижро ҳужжатиға асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 73-уйда жойлашган «ШОАВВСО» МЧЖға тегишли Блок-1 (112 кв.м.), Блок-2 (304 кв.м.), Блок-3 (72 кв.м.), Блок-4 (27 кв.м.), Блок-5 (46 кв.м.), Блок-6 (205 кв.м.)лардан ташкил топган қурилиши тугалланмаган бинолар ва шийпон.

Бошлангич баҳоси — 26 460 505 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилири иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи микдорда закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» мини-банкадиға, МФО 00417, СТИР 204325773, 2020800804234776001 ҳисоб рақамиға тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилға мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибутор AVTODOM PLUS

GAZ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

GAZ-31105, «ВОЛГА»

GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

GAZ-32214 (4x4) «Тез ёрдам»

GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қолланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

GAZ-3307 Автоэвакуатор

GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қолланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЙОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь»-ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-оқват, сановат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқутаргичлар, автоэвакуаторлар, бургулаш (бурувье), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар. АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

МАНИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Магбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — Т. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мухаббатчи — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳ.А. яқуни — 22.00 Топширилди — 23.10 2 3 4 5 6